

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

### «Стандарлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1002-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 15-сон, 172-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

**2-модда.** Мазкур Қонун кучга киргунга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси стандартлари ҳамда O'zDSt аббревиатуруси билан белгиланиб қабул қилинган тегишли ҳужжатлар миллий стандартлар ҳисобланади ва ушбу Қонун кучга кирганидан сўнг 5 йил давомида қайта қўриб чиқилиши лозим.

**3-модда.** Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. Мирзиёев

## **“Стандартлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

### **1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида миллий стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари ва принципларини белгилайди.

### **2-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Ушбу Қонун стандартлар ва стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан қабул қилинган ва нашр қилинган тегишли ҳужжатларга, шунингдек халқаро стандартлар ва стандартлаштиришга доир халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган бошқа ҳужжатларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот стандартларига, фармакология, давлат таълим стандартлари, шунингдек ушбу Қонуннинг 12-моддасида кўзда тутилмаган бошқа стандартларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Ҳарбий соҳада, давлат сирлари ва бошқа ахборотларни ҳимоя қилиш соҳасида, атом энергиясидан фойдаланиш, ядервий ва радиацион хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги стандартлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**стандарт** – консенсус асосида ишлаб чиқилиб, тан олинган орган томонидан тасдиқланган, умумий ва кўп марта фойдаланиш учун қоидалар, умумий тамойиллар ёки тавсифлар белгилаб қўйиладиган фаолиятнинг ҳар хил турлари ёки уларнинг натижаларига тегишли бўлган ҳамда муайян соҳада тартибга солишнинг энг мақбул даражасига эришиш учун йўналтирилган ҳужжат;

**стандартлаштириш** – муайян соҳада тартибга солишнинг мақбул даражасига эришиш учун йўналтирилган, амалда мавжуд ёки потенциал

вазифаларга нисбатан умумий ва кўп марта фойдаланиладиган қоидаларни белгиловчи фаолият;

**стандартлаштириш объекти** – стандартлаштиришили лозим бўлган обьект;

**стандартлаштириш соҳаси** – ўзаро боғлик стандартлаштириш обьектларининг мажмуи;

**консенсус** – кўпчилик манфаатдор томонларнинг мавжуд масалалар бўйича жиддий эътиrozлари мавжуд эмаслиги билан тавсифланадиган ва барча томонларнинг фикрларини инобатга олишга ва мос келмаётган нуқтаи назарларини яқинлаштиришга қаратиладиган жараён натижасида эришиладиган умумий келишув;

**мослашувчанлик** – маҳсулот, жараён ёки хизматларнинг белгиланган талабларни бажариш учун қўйилган шароитларда биргаликда фойдаланишга яроқлилиги;

**ўзаро алмашинувчанлик** – айнан бир хил талабларни бажариш мақсадида бир маҳсулот, жараён ёки хизматнинг бошқа маҳсулот, жараён ёки хизмат ўрнига ишлатиш учун яроқлилиги;

**халқаро/минтақавий стандарт** – стандартлаштириш бўйича халқаро ёки минтақавий ташкилот томондан қабул қилинган ва кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган стандарт;

**хорижий мамлакат стандарти** – хорижий мамлакатнинг стандартлаштириш бўйича ваколатли ташкилоти томондан қабул қилинган стандарт;

**миллий стандарт** – Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича миллий органи томондан қабул қилинган ва кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган стандарт;

**стандартлаштириш бўйича Миллий орган** – миллий даражада тан олинган, стандартлаштириш бўйича тегишли халқаро ёки минтақавий ташкилотнинг миллий аъзоси бўлиш хукуқи берилган Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича органи;

**стандартлаштириш бўйича миллий дастур** – стандартлаштириш бўйича Миллий органинг стандартлаштиришга оид ишларни қўзда тутган ишлар режаси.

#### **4-модда. Стандартлаштиришнинг асосий принциплари**

Стандартлаштиришнинг асосий принциплари қўйидагилар хисобланади:

- қонунийлик;
- ошкоралик ва очиқлик;
- шаффоффлик;
- манфаатдор томонларнинг консенсуси;
- манфаатдор томонларнинг умумий манфаатларидан шахсий манфаатлар устун келишини олдини олиш (холислик);
- долзарблик ва самарадорлик.

#### **5-модда. Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари**

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

инсонлар, жонзотлар ҳаёти, соғлигини, шунингдек ўсимликлар ва атроф мухитни муҳофаза қилиш;

маҳсулот сифати масалаларида истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш;

маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш;

фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, шунингдек аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мос равишда маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;

барча турдаги ресурсларни тежашга кўмаклашиш, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ривожлаштиришга ва илмий-техник тараққиётига кўмаклашиш;

истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг номенклатураси ва сифати тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий бозорларга олиб чиқилишига кўмаклашиш;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш.

## **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг стандартлаштириш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

стандартлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

стандартлаштириш бўйича Миллий органни белгилайди;

стандартлаштиришни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини қабул қиласи ва амалга оширилишини таъминлайди;

стандартларга, шу жумладан анъанавий технологиялар имкониятларидан ўзиб кетувчи истиқболга дастлабки талаблар билан стандартларга, мувофиқлик белгиси билан тамғаланган, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантиришини амалга оширади;

стандартлаштиришни ривожлантириш бўйича норматив-ҳукуқий хужжатларни қабул қиласи.

## **7-модда. Стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг ваколатлари**

Стандартлаштириш бўйича Миллий орган:

ушбу Қонун ва стандартлаштириш соҳасидаги бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдагиларини такомиллаштириш бўйича ваколатли органларга таклифлар беради;

стандартлаштиришни ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар, концепциялар, истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

миллий стандартлаштириш дастурларини амалга оширади;

миллий стандартлаштириш дастурининг бажарилишини мониторинг қиласди;

стандартлаштиришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ифодалайди;

хорижий мамлакатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий институтлари ва уларнинг техник қўмиталари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

миллий стандартларни тасдиқлаш, амалга киритиш, бекор қилиш, шунингдек уларга ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

халқаро, минтақавий стандартларни, хорижий мамлакатларнинг стандартларини, амалга киритиш, бекор қилиш, шунингдек уларга ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

миллий стандартларни экспертизадан ўтказади;

миллий стандартларни рўйхатга олади;

янги стандартларни ишлаб чиқиш, амалдагиларини қайта кўриб чиқиш бўйича манфаатдор томонлар ишини мувофиқлаштиради;

миллий стандартларни халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартларини ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштиради;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил қилишни ташаббус қиласди;

манфаатдор томонларнинг мурожаатларига асосан стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни тузиш бўйича қарорлар қабул қиласди ҳамда уларнинг фаолиятларини ҳалқаро тажриба асосида ривожлантиришга кўмаклашади;

стандартлаштириш соҳасида дастурий маҳсулотлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қиласди;

стандартлаштириш соҳасида, шу жумладан манфаатдор томонлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боради;

шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг буюртмалари бўйича стандартларни ишлаб чиқади ва реализация қиласди;

миллий стандартларни нашр қиласди;

стандартларнинг ягона ахборот-маълумот базасини, стандартлар фондини ташкил этади ва юритиб боради;

стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларда республика манфаатларини ифода қиласи;

хорижий давлатларнинг стандартлаштириш бўйича институтлари билан келишувларни тузади ва уларни билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширади;

Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги Келишувида белгиланган Ахборот марказини яратиш ва фаолиятини ташкил қилиш ишларини амалга оширади;

стандартларнинг ҳар йиллик кўрсаткичини (каталог) тайёрлайди;

белгиланган тартибда барча манфаатдор томонларга очиқликни тақдим этган ҳолда стандартлаштириш бўйича ахборот ресурсларини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ягона ахборот-маълумот тизимини ташкил қиласи;

стандартларни нашр қиласи ва тарқатади;

стандартлаштириш соҳасида юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни манфаатдор томонлардан сўрайди ва олади.

Тарқатилмайдиган маълумотларни ўз ичига олган стандартларни ишлаб чиқиши, келишиши, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиши, ўзгартириши, қайта кўриб чиқиши, бекор қилиши ва амалга киритиши тартиби Стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан тегишли ваколатли органлар билан келишилган ҳолда белгиланади.

## **8-модда. Стандартлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ваколатлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар:

стандартлаштириш бўйича Миллий органга янги стандартларни ишлаб чиқиши, амалдаги стандартларга ўзгартиши киритиши, уларни қайта кўриб чиқиши ва бекор қилиши юзасидан республика стандартлаштириш дастурига киритиши учун таклифлар тайёрлайди ва киритади;

миллий стандартлаштириш дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажаради;

стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг ташаббускори бўлади ва унда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ташкил қилиш ҳамда улар фаолиятини ривожлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва стандартлаштириш бўйича Миллий органга киритади.

## **9-модда. Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар**

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар стандартларни қабул қилиш ва қўллашда манфаатдор томонларнинг ихтиёрий иштироки асосида,

маҳсулотлар (хизматлар)нинг тегишли турларини ишлаб чиқарувчи ёки истеъмол қилувчи бошқа ташкилотлар ҳузурида ташкил қилинади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита – фаолият йўналишларига доир стандартлаштириш тизимининг фаолияти, иштирокини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маслаҳат-кенгаши органи ҳисобланади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита қошида унинг фаолиятини таъминлаш учун котибият ташкил этилади.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмита котибиятининг фаолияти стандартлаштириш бўйича Миллий орган, илмий-тадқиқот институтлари ёки мазкур соҳада юқори илмий-техник имкониятларга эга бўлган иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан юритилади.

Ташкил қилинаётган стандартлаштириш бўйича техник қўмита тўғрисидаги ахборот барча манфаатдор томонлар учун ошкора ва очиқдир.

Техник қўмиталар:

миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

миллий стандартлар лойиҳаларининг фаолият доирасига мувофиқ муҳокамасини ташкил этади;

янги миллий стандартларни ишлаб чиқиш, амалдагиларини қайта кўриб чиқиш бўйича миллий стандартлаштириш дастурига таклифлар тайёрлайди;

миллий стандартлаштириш дастурига киритилган стандартларни ишлаб чиқади;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаатлар юборади;

стандартлаштириш соҳсидаги илмий тадқиқотларда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича Миллий орган билан биргаликда стандартлаштиришга оид халқаро, минтақавий ташкилотларнинг стандартлаштириш бўйича техник қўмиталари ишида иштирок этади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини мазкур қумиталар ийғилишларида ҳимоя қиласди.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил қилишга буюртма берувчилар стандартлаштириш соҳасидаги тегишли тармоқнинг манфаатдор субъектлари бўлиши мумкин.

Стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг таркибига манфаатдор томонларнинг вакиллари қўшилади.

Техник қўмитанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар стандартларнинг қўлланилишига манфаатдор бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## **10-модда. Стандартлаштиришга оид ишларни режалаштириш**

Стандартлаштиришга оид ишларни режалаштириш миллий стандартлаштиришнинг мақсадлари ва ривожланиш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қисқа, ўрта ва узок муддатли истиқболга белгиланади.

Стандартлаштиришга оид ишларни режалаштириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мос бўлиши ва илмий тадқиқотлар натижаларини инобатга олиши керак.

Стандартлаштириш бўйича ишларни режалаштириш Миллий стандартлаштириш дастури шаклида амалга оширилади.

Миллий стандартлаштириш дастурининг амал қилиш даврида манфаатдор томониларнинг таклифлари бўйича унга ўзгартеришлар ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

Миллий стандартлаштириш дастури қуйидагилар асосида шакллантирилади:

стандартлаштириш бўйича манфаатдор томонлар, техник қўмиталарнинг таклифлари;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг иш режалари;

стандартлаштириш соҳасидаги мониторинг натижалари;

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг бошқа йўналишлари.

Миллий стандартлаштириш дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

халқаро стандартлар классификатор коди;

халқаро, минтақавий ёки миллий стандарт лойиҳасининг номи;

ишлаб чиқиш (қайта кўриб чиқиш) асоси;

ишларни амалга ошириш муддатлари;

молиялаштириш манбаси;

таклиф-буортмани тақдим этган буортмачи-ташкилот;

иктисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот классификатор коди.

## **11-модда. Стандартлар фонди**

Стандартлар фонди стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан шакллантирилади.

Стандартлар фонди ўз ичига халқаро, минтақавий стандартлар, хорижий мамлакатларнинг стандартлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларини қамраб олади.

## **12-модда. Стандартлар турлари**

Стандартлар турларига қуйидагилар киради:

халқаро стандартлар;

минтақавий стандартлар;

миллий стандартлар;

хорижий мамлакатларнинг стандартлари.

Стандартлар миллий ва хорижий илм-фан ютуқларига асосланиши ҳамда ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси техник регламентлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқа норматив ҳукуқий хужжатлари, Ўзбекистон

Республикаси иштирокидаги халқаро шартномалар талабларига зид бўлмаслиги лозим.

Стандартлар халқаро савдо учун ортиқча тўсиқларни юзага келтирмаслиги лозим.

Стандартларда маҳсулот ва унинг таснифига, атамаларга, шартли белгиларга, синаш (ўлчаш) усусларига, намуналарни танлаш усусларига, тамғалашга, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига, бошқариш тизимларига бўлган талаблар белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Стандартларни қабул қилишнинг муҳим шарти сифатида консенсусга эришиш ҳисобланади.

### **13-модда. Халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари**

Ўзбекистон Республикасида халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари қўлланилиши мумкин.

Халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларни стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг қарори билан миллий стандартлар сифатида қабул қилиш орқали қўлланилади.

### **14-модда. Миллий стандартлар**

Миллий стандартлар ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун миллий стандартлаштириш дастури асосида ишлаб чиқилади ва қуйидаги белгига эга бўлади – O’zMSt (O’zbekiston Milliy Standarti).

Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларига стандартлаштириш бўйича Миллий орган қарори билан қабул қилинган стандартлар киради.

Миллий стандартларни тузиш, баён этиш, расмийлаштириш, мазмuni ва белгиланишига қўйиладиган талаблар стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан тасдиқланадиган стандартларда белгиланади.

Миллий стандартлар қуйидагиларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилади:

илмий тадқиқот (синов) ва ўлчашлар натижалари;

фан ва техниканинг ютуқлари;

янги турдаги маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларни қўллашда олинган амалий тажриба;

халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари ҳамда стандартлаштириш обьектига талабларни белгилайдиган бошқа хужжатлар.

Миллий стандартларни ишлаб чиқиши манфаатдорлар томонидан амалга оширилади.

Миллий стандартларни ишлаб чиқишининг бошланиши ҳамда якунланиши тўғрисида маълумотлар, шунингдек миллий стандартларининг лойиҳалари стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг веб-сайтида жойлаштирилади.

Стандартлаштириш бўйича Миллий орган веб-сайтида жойлаштирилган миллий стандартларнинг лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш олтмиш календарь куни мобайнида амалга оширилади.

Миллий стандартни тасдиқлашдан олдин ишлаб чиқувчи стандарт лойиҳасини стандартлаштириш бўйича миллий органга ўн календарь кунидан ошмаган муддатда экспертиза қилиш учун юборади.

Жамоатчилик муҳокамаси даврида миллий стандартлар лойиҳалари стандартлаштириш бўйича соҳага дахлдор техник қўмитада, у мавжуд бўлмаган ҳолларда – стандартлаштириш бўйича Миллий органда мажбурий техник муҳокамадан ўтади.

Миллий стандарт лойиҳаси тасдиқлангунига қадар, келишиш мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг норматив хуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларда манфаатдор томонлар билан келишилади.

Миллий стандарт давлат рўйхатига олингандан сўнг амалга киритилади. Миллий стандартни амалга киритиш муддати – Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш бўйича Миллий орган веб-сайтида давлат рўйхатига олинганини тўғрисида маълумот жойлаштирилган кундан бошлаб камида олтмиш кундан сўнг этиб белгиланади.

## **15-модда. Миллий стандартларга ўзгартиш киритиш ва уни бекор қилиш**

Миллий стандартларга ўзгартиш киритиш, стандартларни алмаштириш, алоҳида талабларини тўлдириш ёки чиқариш, амал қилиш муддатини узайтириш ёки тиклаш, халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда янги талабларни киритиш амалдаги қонунчилик талаблари бузилишига олиб келмайдиган ҳолларда амалга оширилади.

Миллий стандартларга ўзгартиш киритиш ушбу стандартни ишлаб чиқувчи томонидан амалга оширилади.

Миллий стандартларни бекор қилиш учун куйидагилар асос бўлади:

стандартларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зидлиги;

амалдаги стандартлар ўрнига янги миллий, халқаро, минтақавий стандартларни амалга киритиш;

стандартни қўллаш долзарблигининг йўқолганлиги.

Стандартни бекор қилиш ташаббускори стандартни бекор қилиш учун стандартлаштириш бўйича Миллий органга уни бекор қилиш асослари билан ўз таклифларини юборади.

## **16-модда. Апелляция комиссияси**

Стандартларни ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш, амалга киритиш, ўзгартеришлар киритиш, қайта кўриб чиқиш, тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилишда, шунингдек, техник қўмиталар фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолларда келишмовчиликлар мавжуд бўлганда якуний қарорни стандартлаштириш бўйича Миллий орган қабул қиласи.

Агар манфаатдор томон ёки техник қўмита, стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг қароридан норози бўлса, шунингдек, стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг қарори, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан стандартлаштириш соҳасидаги процедуралар бузилди деб ҳисобласа, Апелляция комиссиясига ариза бериш хукуқига эга.

Стандартлаштириш бўйча Миллий орган қошида Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияни тузиш, унинг низоми ва таркибини тасдиқлаш Стандартлаштириш бўйича Миллий орган қарори билан амалга оширилади.

Апелляция комиссиясининг ваколатларига стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган мурожаатларни кўриб чиқиш киради.

Миллий стандарт ёки унинг лойиҳаси таркиби апелляция предмети бўла олмайди.

Агарда Апелляция комиссияси стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг қарори, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги стандартлаштириш соҳасидаги процедуруларни бузган деб тан олса, у стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг процедура бузилишларини бартараф этишини кўзда тутадиган қарор қабул қиласи.

Апелляция комиссиясининг таркибига стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг ходимлари кириши мумкин эмас. Апелляция комиссиясининг аъзоси, агарда у апелляция томонлари бўлган шахсларга хизмат юзасидан ёки бошқа боғлиқликда бўлган ёки амалда бўлса ёки бундай аъзонинг холислигига шубҳа келтириб чиқарувчи, бошқа вазиятлар мавжуд бўлганда, апелляция кўриб чиқишида иштирок этиши мумкин эмас.

Апеляцияни қуриб чиқиш муддатлари ўттиз кундан ошмаслиги лозим.

Апелляцияни комиссияси қарори йиғилиши баёни билан расмийлаштирилади ва томонларга тақдим этилади.

Апелляцияни комиссияси қарори қонунчиликда белгиланган тартибда судга берилиши мумкин.

Низоларни ҳал қилиш ушбу қонуннинг 21-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **17-модда. Стандартларни қўллаш**

Стандартлар ихтиёрий равишда қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий ҳужжатларида стандарт талабларига мажбурий риоя қилинишига ҳавола бундан мустасно.

Стандартлар ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, сақлаш, синовлар, тадқиқотлар ва ўлчашлар, намуналарни танлаш босқичларида, атамалар, символикалар, қадоқлаш, маркировкалаш ёки этикеткаларга нисбатан ҳамда уларни тушириш, ишлаши (фойдаланиш, ишлатиш), маҳсулотларни ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилишда, бошқа стандартлаштириш обьектларининг ишларини бажариш, хизматларини кўрсатишда қўлланилиши мумкин.

Халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартларини қўллаш учун қуйидаги шартлар белгиланади:

Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзолиги;

стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларининг мавжудлиги;

стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида стандартлаштириш бўйича Миллий орган ва халқаро, минтақавий, хорижий ташкилот ўртасида келишувнинг мавжудлиги;

халқаро, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартларини қўллаш бўйича асл нусха эгаларининг (авторлик ҳуқуқи) талабларига риоя қилиш.

Стандартлар Ўзбекистон Республикаси техник регламентларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида фойдаланилиши мумкин.

Техник регламентларнинг талабларини бажариш ва танлов қисмида ихтиёрий равишда техник регламентларнинг талабларига мувофиқликни баҳолаш учун ўзаро алоқадор бўлган стандартлар қўлланилади.

Стандартни қўллаш ишлаб чиқарувчи ва (ёки) ижрочи учун маҳсулотнинг ушбу стандартга мувофиқлигини оммавий эълон қилинганда, шунингдек унинг қўлланилишини маркировкада, эксплуатацион ва бошқа ҳужжатларда, шартномалар, реклама, ахборот ресурслари ва ахборот тақдим этишнинг бошқа шаклларида кўрсатилган ҳолларда мажбурий ҳисобланади.

Стандартларда маҳсулотга нисбатан такоррланувчи талабларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Куйидаги:

умуммажбурий тусга эга бўлган нормаларни ўз ичига олган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларига дахл қиласидиган;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ва техник регламентларга зид бўлган;

бозор рақобатини бартараф этиш ва чеклашга йўналтирилган, маҳсулот ва хизматларнинг эркин айирбошланишига тўсик яратадиган стандартларни қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Стандартлаштиришга оид ҳужжатларни жисмоний ва юридик шахслар томонидан қўллаш муаллифлик ҳуқуқига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Экспортга жўнатилаётган маҳсулотларга қўйиладиган талаблар маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартнома қоидаларига мувофиқ белгиланади.

## **18-модда. Стандартларни нашр қилиш ва тарқатиши**

Миллий стандартларни нашр қилиш стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан амалга оширилади.

Миллий стандартлар давлат тилида нашр қилиниши шарт. Халқаро ва минтақавий стандартлаштириш ташкилотларининг стандартлари ва бошқа нашрлари ушбу ташкилотларининг расмий тилларининг бирида қабул қилиниб, кейинчалик расмий давлат тилига таржима қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ва минтақавий стандартлаштириш ташкилотларининг хужжатларини нашр қилиш ва тарқатиши стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан халқаро ёки минтақавий стандартлаштириш ташкилотлари тартиби ва шартлари асосида амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг стандартларни нашр қилиш ва тарқатиши стандартлаштириш бўйича Миллий орган томонидан бошқа давлатларнинг миллий стандартлаштириш идоралари билан шартнома ва келишувларга мувофиқ амалга оширилади.

Стандартлар тўғрисидаги маълумотлар очик бўлади ва бепул тақдим этилади.

Стандартлар (электрон шаклда ва (ёки) қоғозда) нусхалари давлат ҳокимияти органлари сўровномаларига асосан бепул тақдим этилади.

Агар хорижий хукуқ эгалари билан лицензион шартномалар, шунингдек халқаро келишувлар ва бошқа халқаро хукуқ нормаларида халқаро стандартлар, минтақавий стандартлар, хорижий мамлакатларнинг стандартларидан пуллик асосда ва (ёки) эркин фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатлар белгиланган бўлса, стандартлаштириш бўйича Миллий орган тегишли ҳужжатларни тақдим этиш учун тўлов миқдори ва уларни тарқатиши тартиби тўғрисидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтида жойлаштиради.

## **19-модда. Стандартлаштириш соҳасидаги ахборот таъминоти**

Стандартлаштириш соҳасида ахборот таъминоти қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

стандартлар ҳақида ахборотларни веб-сайтларга жойлаш;  
стандартлар, расмий нашрлар ва уларнинг нусхаларини тарқатиши;  
миллий стандартларини расмий нашр қилиш.

Стандартлар ҳақида маълумотларни жойлаш уларни стандартлаштириш бўйича Миллий органнинг веб-сайти ҳамда йиллик стандартларнинг ахборот кўрсаткичидан расмий нашр қилиш орқали амалга оширилади.

Стандартлар ҳақидаги ахборотларга қуйидагилар киради:

раками ва номи;  
қўлланиш соҳаси;

тасдиқланганлиги, ўзгартиш киритилганлиги ҳамда бекор қилинганлиги тўғрисида қарорнинг санаси ва раками;

ишлаб чиқувчи ҳақида маълумот.

## **20-модда. Стандартлаштиришни молиялаштириш манбалари**

Стандартлаштиришни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Стандартлаштиришни молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

давлат бюджети маблағлари;

стандартлаштириш соҳасида манфаатдор ташкилотларнинг маблағлари;  
ихтиёрий бадаллар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлариiga зид бўлмаган бошқа манбалар.

Стандартлаштиришга оид қўйидаги ишлар давлат томонидан молиялаштирилади:

халқаро, минтақавий стандартларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқища иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ижроси бўйича стандартларни ишлаб чиқиш;

миллий стандартлаштириш дастурида белгиланган миллий стандартларни ишлаб чиқиш;

умумдавлат аҳамиятига молик бўлган стандартлаштиришга оид илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни амалга ошириш;

стандартлар фондини шакллантириш ва юритиш;

Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг савода техник тўсиқлар тўғрисидаги Келишув талаблари ижросини таъминлаш доирасида Ахборот маркази фаолиятини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган стандартлаштириш соҳасидаги бошқа фаолият.

Шунингдек, стандартлаштиришга оид ишларни молиялаштириш манбалари бўлиб давлат фондига киритилган, нашр қилинган стандартлар (қайта нашр қилинган), нашр қилинган (қайта нашр қилинган) маҳсулотлар ва хизматларнинг каталогларини реализация қилишдан олинган маблағлар бўлиши ҳам мумкин.

## **21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Стандартлаштиришга оид фаолият соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **22-модда. Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Стандартлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.